

ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 97 (65973)
1996 йил, 28 декабрь, шанба

Сотувда эркин
нархда



Ўйинчоқлар ясаймиз
қувнаб,
Яқинлашиб қолди
янги йил
Ўқитувчим, онам,
Ватаним,
Сизни қутлаб
яйрайди кўнгил!

Мустақил юрт яна
бир ёшга
Улғаяди, муборак
бўлсин,
Эли суйиб, ёниб
яшаган,
Ёш кўнгиллар
шуурга тўлсин!

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАСИ

Болалар! 26 декабрь куни Тошкентда биринчи қаҳриқ Ўзбекистон Олий Мажлиси еттинчи сессияси иш бошлади. Мустақил Ўзбекистонимизнинг бугунги ҳаётига оид жуда муҳим бўлган биринчи масала — Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги давлат бюджети лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг уринбосари, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов маъруза қилди. Олий Мажлисининг Парламент, бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадовнинг қўшимча маърузаси тингланди. Шундан сўнг қизгин мунозаралар бошланиб кетди. Депутатлар киритилган таклиф ва мулоҳазаларни урганиш учун Олий Мажлис ишчи гуруҳини туздилар. Ишчи гуруҳи бюджет буйича қарор лойиҳасини пухта ишлаб чиқиб, ушбу сессия тасдиғига қўяди.

Иккинчи масала — Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси юзасидан Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, шунингдек, Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг уринбосари И. Юсупов маърузалари тингланди. Депутат ота-оналаримиз қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилдилар. Масала юзасидан Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳам сузга чиқди. Қизгин мунозарада Олий Мажлис Матбуот ва Ахборот қўмитаси, «Халқ бирлиги» ҳаракати, «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари фаол иштирок этдилар. Учунчи масала — Ахборот олиш кафолатлари эркинлиги тўғрисидаги, журналистларнинг касбига оид фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг лойиҳалари

ҳақида Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Уткир Ҳошимов маъруза қилди. Музокараларда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Азим Суянов, «Халқ сузи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири Анвар Журабоевлар қатнашдилар. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов суз олиб, ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш эркинлиги, ҳуқуқлари, демократик ҳуқуқий давлатда оммавий ахборот воситаларининг мавқеи, журналистларнинг долзарб вазифалари, ижодий маҳорати тўғрисида ўз фикрларини билдирди...

Олий Мажлис бу қонунлар лойиҳаларини маъқуллаб, умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, депутатлар Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили тўғрисидаги, Давлат хизмати тўғрисидаги қонунлари лойиҳалари юзасидан ҳам маърузаларни тингладилар. Улар энди умумхалқ муҳокамасига қўйиладиган бўлди. Олий Мажлис сессиясида иккинчи ўқишда муҳокамага қўйилган Нотариат тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза ва музокаралар тингланди. Шундан сўнг Олий Мажлис бу қонунни қабул қилди.

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДАН ХУШҲАБАР

Ер юзида Япония деган мамлакат борлигини ҳаммамиз мактаб дарслиги — географияни ўқибгина эмас, балки «ТОЙОТА», «НИССАН» автомобилларию «Панасоник», «Сони» электротехника маҳсулотлари орқали ҳам яхши билиб олганмиз. Бу мамлакат иккинчи жа-

ҳон урушидан кейин оғир кушларни бошидан кечирган. Халқ ҳужалиги вайрон бўлган, ер ости, ер усти бойлиқларининг юзюю кузи ешилган. Аммо японларнинг тинимсиз меҳнати, ижод-иқтидори, диёрини севиши сабаб мамлакат қайтадан қад ростлади. Эндиликда улар ҳам истиқлолимизга хайри-

хоҳ халқлардан биридир. Яқинда юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон ислоҳотларни чуқурлаштириш йулида» номли китобини япон тилида нашр этилиши ҳам мамлакатимизга қизиқш ва дустликнинг ифодасидир. Дуненинг кўпгина тилларида чоп этилган бу китобни эндиликда япон тенгдошларингиз ҳам ўқийдилар.

Тошкентлик ёш мухбирлар хабар қиладилар БИЗ ЧИМЁНГА БОРАМИЗ

Янги йилни ҳар ким ҳар хил кутади. Ҳар ерда, ҳар хил одамлар даврасида. Дилга яқинлар билан бўлиш эса йил буйи кайфият кутарилиб юришига сабабчи бўлади. Биз эса янги йил шодиёналарини Чимёнда тантана қиламиз. Тоғлардаги қорларни, яхмалак отаётган болаларни куриб «Эҳ-ҳе — бизга қандай мазза! Гузалликка қаранг, гузалликка! Тезпадан қишлоғу шаҳарлар қафтдагидек куринишини кури-нг», деб ҳайқиргимиз келади. Лекин дадамлар Чимёнга боришдан аввал бир шарт қўядилар. Чорак баҳоларимиз аъло бўлса, аълочи ўқувчи номини олиб, устозларимиздан мақтов эшитсалар — биз Чимёнга борамиз. Бунинг учун синглим Нилуфар билан ҳаракатни бу йил ҳам эрта бошладик ва дадамнинг шартларини бажардик. Биз Чимёнга борамиз.

Муроджон ХАЙИТМЕТОВ,
Тошкент шаҳри, Сирғали туманидаги 284-мактаб.

БИР КУНЛИК ИСИТМА, ҚИРҚ КУНЛИК КУЧНИ ОЛАР

Рост гап. Бир кунлик иситма қирқ кунлик кучни олар. Лекин ҳамма болалар ҳам бир кунлик эмас, икки, уч кунлик иситма билан тик оёқда юраверишади. Гуё касал уларни эмас, улар касални енгадигандек. Айрим болалар борки, улар баҳона топишса-ю, мактабга боришмаса. Ёки айрим дарсларда иссиғи чиқаётгани, боши оғриётганини айтиб жуфтакни ростлашса. Шунда ўқитувчилар ҳам анойи эмас: дарҳол шифокорга жўнатишади. Кетиданоқ кўнгирак қилиб аҳволини суриштиришади. Юнусободда болалар соғлиғига қайгурадиган ота-оналар хотиржамлигини

таъминлайдиган яна бир шифохона ишга тушди. Бу иккинчи юқумли шифохонада беморлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида даволанадилар. Бешта булимдан иборат бўлган бу масканда грипп, зотилжам, сариқ касалликлари каби хавфли, юқумли дардлар муолажа қилинади. Болалар, илойим касал бўлманг, касал бўлсангиз ҳам тезда шифокорларга учрашинг. Чунки дарднинг келиши осон, кетиши қийин. Яна эслатамиз! Бир кунлик иситма, қирқ кунлик кучни олар.

А.АБДУГАППАРОВ,
273-лицей-мактаб.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИПАСИЗМИ?

Шундай савол берилса, ҳаёлга толишингиз турган гап. Бировдан сурамай, китоб дафтари олиш ҳам, дукон ёнида эгасини кутиб турган велосипедни шунчаки миниб келишга қизиқиш ҳам... Хуллас, ҳавас ё ҳасаддан бошланган уйиннинг ҳуқуққа, қонунга бориб тақалиши ҳам ҳуқуқингизни биласизми, деган саволга қандай жавоб беришингизга боғлиқ. Яқинда Сирғали туманидаги Увайсий номли 104-мактабда «Ўсмир ва қонун» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Бу суҳбатда ўқувчилар уз ҳуқуқларини унчалик яхши билмасликларини билдириб қўйдилар. Чунки тарих ўқитувчиси Дилфуза Маткаримованинг «Қадамнингизни уйлаб босинг» мавзусида айтган фикрлари айрим қонунбузарларнинг феъл-атворини очиб қўйди. Шундан сўнг туман прокурори уринбосари Роза Маткаримова, судья Носир


Тулаганов, ИИБ воёга етмаган ўсмирлар билан ишлаш ноизири Бахтиёр Мирзаев, ҳуқуқшунос Равшан Жабборовлар сузга чиқиб, қонунларимиз устиворлиги, уни катта-кичик билиши ва риоя қилиши ҳақида батафсил гапирдилар. ХДП Сирғали туман кенгашининг иккинчи котиби Зухра Муродова, мактаб ота-оналар қўмитасининг раиси Эркин Қосимов, «Қамолот» ёшлар жамғармаси раиси Усмон Тожибековлар ҳам болаларга уз маслаҳат ва тавсияларини бердилар. Мактабда тапширилган «Умид» театр гуруҳи эса айрим куча болаларининг «сирларини» фош этди. Муножот Сатарова, Шухрат Нуралиев, Раҳим Ганиевларнинг ҳажвий чиқишлари тенгдошлари тилига тушди. Шундай кечалар тез-тез утказилиб турилса, фойдадан холи бўлмайди.

Султоной РЕЖЕМЕТОВА,
104-мактаб.

ИХТИРО ДЕЙИШ МУМКИН БЎЛСА...

Ҳикмат Маждов Наманган туманидаги Тошбулок қишлоғида яшайди. Ҳамма қатори уларнинг оиласи ҳам мавсумда пилла қурти боқишади. Унга озуқа буладиган туг барглари кесиб келишга отланган дадаси ва акасига Ҳикматжон ҳам ҳамроҳ булади. Болалик чоғларида катталарга шунчаки эрмак учун эргашадиган Ҳикматжон улгайгани сайин қул меҳнати билан бажариладиган бу жараённинг узига хос машаққат ва қийинчиликларини ҳис қила борди: «Бир машина яратсаму, у тут шохларини ўзи кесиб, машиналарга бир текисда тахлаб берса...» Уйлагани сари ижодкорлиги ошиб борарди. Дилидагини, устози, ёш техниклар тугараги раҳбари Аҳмаджон ака Жураевга гапириб берди. Устозу шогирднинг меҳнати маҳсули — тут шохларини кесувчи комбайннинг модели яратилди. Ҳикматжон янги моделни олиб Республика ёш техниклар ижодиёти марказида ташкил қилинган кургазмага йул олди.

Мустақил юрт болалари иқтидорлидир



— Бу қандай комбайн экан?
— Уни қандай тайёрлади?
— Бу машина қандай ишлайди?

Тенгдошларининг саволлари Ҳикматжонни тўлқинлантириб юборди.

— Бу аппаратда энг асосий детал — тут шохларини тўплаб қисувчи мосламадир,—деди у. Яна — қисилган, тўпланган шохларни кесувчи, айланма арра ҳам. Кесилган шохлар қисувчи механизмдан транспортёр лента-

сига узатилади, сунг прицепга тахланади. Бу моделим, агар уни ихтиро дейиш мумкин бўлса, унчалик мураккаб эмас. Чунки бу механизм кўпроқ тайёр мослама ва деталлардан тайёрланади. Синовдан муваффақиятли ўтиб, кўплаб ишлаб чиқарилса, пиллакор ота-оналаримизнинг юмушлари анча енгиллашади.

Наманган туманидаги 23-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ҳикмат Маждовнинг

яратган тут шохларини кесувчи комбайн модели нафақат тенгдошлари, балки ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг ҳам диққатини тортди. У ўз ихтироси сабаб, Республика иқтидорли болалар слётида 2-уринни эгаллади.

Суратда: Ҳикмат Маждов ўзи яратган тут шохларини кесувчи комбайн модели ҳақида сўзлаб берапти.

Акс садо

ОВУНЧОҚМИ, ЎЙИНЧОҚМИ ЎКИ...

«Тонг юлдузи» менинг 63 йиллик қадрдоним. 17 ёшли усмирлик чоғимда газета таҳририятига ишга киргандим. Дастлабки ҳикоя ва машқларим ҳам ана шу газета саҳифаларида эълон қилинганидан фахрланаман. Шундан бўлса керак, газетанинг ҳар бир сонини ҳали-ҳануз қўлимдан қўймай ўқиб бораман.

Яқинда газетани вароқлаб утириб, ёзувчи Эркин Маликовнинг «Алдагани бола яхшими?» номли мақоласига қўзим тушди. Уни набираларимга, қўни-қўшниларимизнинг болаларига ҳам ўқиб бердим.

Ҳадемай янги йил байрами бошланади. Болалар орасида мушакбозликлар, турли хил учкун чиқарадиган ўйинчоқлар ўйнашга қизиқиш ортади. Шу маънода мақола айни вақтида эълон қилинган, деб ҳисоблайман. Бу мавзунини, жоиз бўлса муаммони матбуотда, радио ва телевидение орқали яна ва яна кутариб, бонг уриш зарур. Токи болаларга овунчоқ эмас, кулфат олиб келаётган бозор-учарлардаги айрим «тижоратчи»ларимиз узларига тегишли хулоса чиқариб олсинлар. Шунингдек, фарзандларини тижоратниқоби остида чайқовчиликка, олиб-сотарликка, пулга ўргатаётган ота-оналаримиз ҳам.

**ҲАКИМ НАЗИР,
Ўзбекистон халқ
ёзувчиси.**

Чорак тугаб, қишки таътил олтидан ўқувчиларнинг билим олишидаги ҳисоботи тингланадиган кун келди. Ми-

лар-қуригидан аъло баҳолар олдилар. Бунинг учун биринчи алифбе китоби даврага кира келди ва болалардан қан-

кистон», «Хумо қуши», «Мактабим» каби қўшиқларни уларга ўргатган экан, ёш ижрочилар ҳатто қўшиқ айтишда ҳам

римова таъкидлаганидек, Шоира опадан нафақат бугунги 1-«А» синф ўқувчилари, балки ота-оналар ҳам мамнун. Чунки 35 йилдан бери мураббийлик қилаётган Шоира опа тантананда ишгирик этаётган айрим ота-оналарнинг ҳам устозидир. Саводхонлик байрами меҳр-оқибат, ҳалол меҳнат, касбга садоқат байрамига ҳам айланди.

Лола ТҮХТАЕВА.

САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ

робод туманидаги 218-мактабда ўтказилган «Саводхонлик байрами»да эса мактабнинг 1-«А» синф ўқувчилари ота-оналар, мутасадди ташкилотлардан келган меҳмон-

ча ҳарф урганликларини суради. Ўқувчилар бу ҳарфларни шунчаки эмас, балки шеър орқали ифода этишди. Мактабнинг мусиқа ўқитувачиси Баҳром Пулатов «Ўзбе-

йигилганларни хурсанд қилишди. Бухурсандчилик, шодиёналикда тажрибали мураббий Шоира Рузиқулованинг хизмати каттадир. Мактаб директори Холида Ка-

Лотин алифбосини ўрганамиз

Қадрли ўқувчилар! Лотин алифбосини урганишга бўлган қизиқишинингизнинг кундан-кун орғиб бораётгани ёзув борасида тугри йул танлаганимизни баён қилмоқда.


Газетамизнинг утган сонларидан бирида тенгдошининг Америка мамлакати ҳақида тўплаган маълумотлари лотин алифбосида эълон қилинган эди. Уларни ўқиб, бу юрт ҳақидаги билимларингиз янада бойланди. Иродахон бу гал Франция мамлакати ҳақида маълумотлар тўплабди. Ишонамизки, уларни ҳам ҳеч қийналмай ўқий оласиз.

Davlat nomi: Fransiya
Poytaxti: Parij
Yirik shaharlari: Lille, Marseille, Bendeaux, Lyon, Strasbourg
Geografiya nuqtai nazaridan
Iqlimi: Subtropik
Joylashuvi: Ispaniya, Italiya, Germaniya, Shveysariya, Belgiya bilan chegaradosh.
Keltyaji: Pasttekisliklar, tog'lar
Yetishtiriladigan asosiy mahsuloti: buğday, qand lavlagi, ulum
Maydoni: 561,8 ming km²

Aholisi ning
Milliy tarkibi: Asosan fransuzlar
Soni: 56 mln kishi (1985)
Tarixda prezidentlari

1	Marshal Mak Magin	1873-1879
2	G. Trevi	1879-1887
3	S. Ranno	1887-1894
4	Kavimir Perve	1894-1895
5	F. Lora	1895-1899
6	S. Lube	1899-1906
7	R. Faleran	1906-1913
8	R. Puanqara	1913-1924
9	A. Sillerana	1924-1931
10	P. Dumerga	1931-1932
11	A. Labrona	1932-1940
12	V. Oriola	1947-1954

Bayrogi:



Pul birligi: Frank

Xaritasi:




Davlat qodi: 83

Yirik shaharlarining qodi va vaqtidagi farqi:

Shahar nomi	qodi	vlg
1 Parij	1	-4
2 Bendeaux	56	-4
3 Lyon	77	-4
4 Marseille	91	-4

Қадрласанг, қадринг ошар

ХАЛҚ ЎҒЛОНЛАРИ



Халққа суянсанг буласан, халқдан чиқсанг суласан, дейишади. Халқни суйган, халққа суянган Файзулла Хужаев, Фитрат каби халқ ўғлонлари тузум қурбони бўлишган эди. Эндиликда уз Фитрати, уз Файзуллани билан фахрланган замондошларимиз уларнинг таваллуд тошган кунлари баҳона ишлари, ижодлари билан яқиндан танишмоқдалар. Навоий туманининг Кармана шаҳридаги Нуриддин Туробов номи махсус интернат мактабда Абдурауф Фитратнинг 110 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди. Унда «**ФИТРАТ — ХАЛҚ ФАРЗАНДИ**» мавзусида маъруза қилган Муҳсина Рузиева, Абдурауф Фитратнинг истиқлол жарчиси эканлигини таъкидлаган Эргашой Каримовалар ўқувчиларни уз ота-боболари ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишишга имконият яратдилар. Мактаб бадиий ҳаваскорларининг шеър ва қушиқлари ҳам юртдошлари Фитратга бағишланди.

СИЗ ТИРИКСИЗ ФАЙЗУЛЛА БОБО!

— деб жаранглаган қушиқ овози мактаб кутубхонасидан узоқ-узоқларга таралди. Юқори Чирчиқ туманининг марказий кутубхонаси аъзолари, фақат уларгина эмас, балки Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими, Ўзбекистон Халқ демократик туман фахрийлар кенгаши ҳамда туман хотин-қизлар кумитаси та-

шаббуси билан йиғилган фаол ота-оналар бу қушиқдан ҳаяжонга тушдилар. Барча тайергарликни марказий кутубхона ходимлари ҳамда 7-урта мактаб ўқувчилари бошлашган бўлса-да, меҳмонлар ҳам тадбир ўтказилишида асосий урин тутдилар. Оташнинг ватанпарвар, ҳақиқат фидойиси Файзулла Хужаев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тадбирда туман мусиқа мактаби услубийчиси Шалюла Мирзахужасванинг хизмати ҳам катта бўлди. Фахрийлар кенгаши раиси Марсел Абсаламов, хотин-қизлар кумитаси раиси муовини Ободхон Қурбонвалар ҳам Файзулла Хужаев ҳаётини ойдинлаштирувчи хушxabарлар билан келишибди. Марказий кутубхона китобхонларга хизмат курсатиш бўлими мудир Галина Илёсова эса Файзулла Хужаев ҳақида шеър ёзибди:

**Юракка санчилиб,
ағёр отган ўқ,
Ётарсиз ерга ҳам озорингиз
йўқ.**

**Йўқлаб борай десак,
мозорингиз йўқ,
Ўзингиз қайдасиз Файзулла
бобо?**

7-урта мактабнинг юқори синф ўқувчилари Х. Алиева, Д. Пулатова, А. Қидирқулова, М. Абдувоҳидовалар ҳам Ф. Хужаевни мадҳ этувчи шеърлардан ўқиб беришди. Тадбир сўнггида йиғилганларга эсдалик совғалари ҳам тарқатилди.

**Сачоқ ЭГАМОВ,
Латифжон МАНСУРОВ.**



1994 йили Файзулла Хужаевнинг кўрсатиши

Маҳаллаимиз Абдулла Ортиқов номи билан аталади. Авваллари «Ленинизм» деб номланарди. Қишлоқдаги, маҳалладаги куп йиллик эзгу ишлари учун узи туғилиб усган маҳаллага унинг номи берилди.

Уйимизнинг ёнида хирмон бор, иккинчи тарафидан эса катта ариқ

уйнашаётганини қуриб, чидаб туролмадим.

—Акалар, эҳтиёт бўлинглар, пахтага яқин жойда турибсизлар, — дедим андиша билан. Сузим ёқмаганини уларнинг ўқрайиб қарашидан сездим.

—Эй тирранча, йулингдан қолмасанг-чи, ё йулингни курсатиб

бордим. Хижолат бўлиб, оймимга юзландим. Ойим эса: «Йўқ, болам, ундай халғга борсанг, қаттиқ адашасан. Фалокат бўлиб, пахтага ўт кетса, қанча юрт бойлигимиз увол буларди. Вақтида фалокатни олдини олиб, савобли иш қилдинг. Энди улар ҳеч қачон пахта

ЗИЙРАК БОЛА ЭКАНМАН

оқиб ўтади. Айна йиғим-терим палласи эди. Хирмонга пахталар ёйиб қуйилган. Мактабдан қайтаётсам, 5-6 нафар болалар хирмонга яқин жойда тупланишиб турибди. Қарасам, қулариди гугурт, бир-бирлари билан талашиб, ёқиб уйнашпоти. Ёшлари мендан каттароқлиги сабаб, аввалига бирон сўз дейишга ботинолмадим. Гугуртни ёқиб, ким узоқроққа иргитишга

қуяйликми? — дея масхара қилишди. Гапим бефойдалигини сезиб, чопиб уйга кирдим. Асал ойм укаларим Акрам ва Ахрорга эртақ айтиб ўтирган экан. Ойим воқеани эшитди-ю, шонганича хирмон томонга югурди. Хирмондаги одамларни воқеадан хабардор этди.

Айтишга айтдим: «чақимчилик қилмадиммикан-а? — деган уйга

хирмони ёнида тупланишмайди. «Узим айланай, зийраккина боламдан» — деб пешонамдан упиб қуйдилар. Асал ойм мендан, мен эса қилган савобли ишмдан мамнун эдим.

**Алишер РАХМАТУЛЛАЕВ,
Янгийўл туманидаги
10-мактабнинг 4-синф
ўқувчиси.**

Асрлар оша гурурини ҳеч қандай мол-дунёга сотмаган буюк ўзбек миллатининг қадриятлари истиқлол нафасидан янада гуркирамоқда. Бу миллатнинг эртасини яратувчи болалари бор. Бу болаларнинг юрагида миллий ифтихор илдиз отмоқда.

— Миллат нима? — деб сурашганда:

— Мен ўзбекман, — дейди улар фахр билан, кўзлари ёниб... Демакки, миллатимизнинг келажиги буюк, барқарор. Мана шу буюкликда, барқарорликда узини, қадриятини англаётган болаларнинг юрак зарбалари бор. Узоқ йиллар ёлгончи инқилоб соясида қанчадан қанча истеъодларимиз сўлди, гузал тарихимизга қизиқ тортиди. Енгилмас баҳодирларимиз, донишманд болаларимиз ва имон, эътиқод, адолат ҳақидаги китоблар ёқиб ташланди.

Фақат қонли коммунизм учун кураш бошланди. Миллатимиз бошига туш-

ган оғир кунлар таҳликаси ҳалигача эсланса юракни зирқиратади. Аммо қайтар дунё экан, қачонлардир бизнинг эзгуликка, бақо нурига тула китобларимизни, тарихимизни рад этган ёлгон инқилобнинг ҳомийлари бошига узлари солган кун тушди...

Кутубхонага шошиб кир-

Узимда йўқ хурсанд бўлиб кетаман. Тарихимиз губорлардан тозаланмоқда.

Кутубхонадан янги китобларнинг ёқимли ҳиди анқийди. Китоб жавонларида бири-бирдан қизиқ, сирли, бадиий, тарихий китоблар чиройли қилиб тахланган.

Ногаҳон, кўзим жавонни-

Чангда қолган КИТОБЛАР

ган болақайдан сурайман:

— Исминг нима?

— Темура.

— Қайси китоблар қизиқтиради?

— «Темура тузуқлари» билан танишиб чиқмоқчи эдим.

— Жуда зурсан-ку. Уқитувчинг тавсия қилгандир-да?!

— Йўқ, дадам гапириб берган эдилар. Қизиқиб қолдим.

— Омадингни берсин, Темура.

нг пастки қисмида чанг босиб ётган, назардан қолган китобларга тушди. Улар Лениннинг томликлари, «КПСС тарихи» китоблари эди. Уларнинг ичида «Ўзбекистон ССР» тарихи китоби ҳам бор эди. Тарихимизни бузиб, ҳақоратлаб ёзилган бу китобни олиб, ўқувчилик йилларимни эсладим...

...Бир кун тарих дарсида ўқитувчимга савол бергандим.

Ёлгончи тўрга бир ўтар, иккинчи ўтмас

—Нега биз Дукчи эшон, Маҳмуд Торббий, Жамолиддин Мангубердиларни эмас, Разин, Пугачёву Долгорукийларни урганамиз?

Ёши бир жойга бориб қолган, ҳақиқатпарастлигидан


лар силсиласи, миллатимиз тарихи мангудир устоз, дегим келди.

Нондек азиз китоблар ҳиди анқиган кутубхонани жимгина кезаман. Қизлар, болалар ҳовлиқиб-ҳовлиқиб китоб жавонларидан узларига керакли китобларни излайдилар. Уларнинг қулидаги Ғаззолий, Яссавий, Қодирий, Авлонийларнинг китобларини қуриб яйрайман. Жажжи юрагида маънавият чуғи ёнаётган болаларнинг борлигига шукрона айтаман. Зеро, Ўзбекистоннинг келажигини яратувчи, бойитгувчилар ана шулардир. Кутубхонадан қайтар эканман, яна кўзим уша чанг босиб ётган китобларга тушди. Юрагим гаш тортиди. Ёлгоннинг умри қисқа, деганларидек, бу китобларнинг ҳам умри, қадр-қиммати тугади. Энди уларнинг урни болажонларимизнинг сеvimли маскани — кутубхоналарда эмас, балки қоғоз чиқиндилари уюмида бўлиши лозим.

ЮЛДУЗХОН.

ТУРОНЗАМИН ФАРЗАНЛАРИМИЗ

Инсон қаерда туғилиб, униб-ўсса, ўша маскан унга Ватан ҳисобланади. Чунки она ернинг тупроғи — она сутидек азиз. Шу Ватанда улғайган бошқа миллат вакиллари ҳам Ватан руҳидек ўзбеконга бўлиши турган гап. Шунинг учун бўлса керак Ўзбекистонда яшайдиган барча миллат вакиллари бир-бирини жуда яхши тушунади, қалбдан ҳис қилади. Буни «Тонг юлдузи»га келаётган хатлардан ҳам билса бўлади. Тожик ва қозоқ болалари ўз она тилларида шеърлар ёзиб, бизга юборишибди. Шеър қалб кўзгуси. Сизлар ўз тенгдошингизни шеърларини ўқиб тушуна оласиз, деган умидда уларни таржима қилмай ҳукмингизга ҳавола қилмоқдамиз. Ёш ижодкорларнинг эътиқод бешиги битта: Ватанга, келажакка садоқат!



Шу кунларда қаерга, қайси таълим-тарбия масканига борманг, улуг айём — янги йил тараддули устидан чиқасиз. Биз Қибрай туманига қарашли, яқиндагина узининг 70 йиллигини нишонлаб, шогирдларини бағрига олган Динмуҳаммад Қунаев номидаги 13-урта мактабда булганимизда ана шундай шоду-хуррамлик устидан чиқдик. Айниқса, синфларда бури, тулки, арслон, йулбарс каби

ЎҚУВЧИЛАР МАМНУН

хайвонлар қиёфасига кибриб уйнаётган болаларнинг ҳар хил уйинлари диққатимизни узига жалб этди.

— Булар, — деди мактаб директори Эрали Тулебоев, — Сарман оғай Боймирзаев раҳбарлик қилаётган 7-синф ўқувчилари. Улар II—чоракни «4» ва «5» баҳолар билан яқунладилар. Ҳозир кибриб турганимиздек, янги йил танлови куригига тайёргарлик куришяпти.

— Биз янги йилда узимиз тайёрлаган «Бури ва қуён» эртаги асосида

сахна кўриниши билан кичкинтойларни хушнуд қилмоқчимиз, — деди синф боши. Динмуҳаммад Қунаев номидаги 13-мактабда таълим-тарбия яхши йулга қуйилган. Мактабда бадий уқиш, драм ҳамда турли спорт тугараклари мунтазам ишлаб турибди.

Мактаб директори бизни қишки таътил дастури билан таништирар экан, ўқувчиларнинг цирк, санъат ва адабиёт, Амир Темур музейларида булишини куриб, мамнун булдик.

Қ. ТҮЛЕБОВ.

Уқили умит ЖАНА ЖЫЛЫМ — ЖАНА ЖЫРЫМ


Туған елдин бағына
Жулдызы болып жана жур.
Кіріп келді тағы да
Бақытымен жана жыл.
Жауып шыққан бір апта
Аппақ қардай конилим.
Аппақ қардай бірақ та
Болмасын суық өмірім.

Умитай ЕСИМОВА,
Ташкент уалаяты,
Қыбырай ауданы,
№36 мектептин 8 сынып
оқушысы.

ДАРАХТИ АР-АР

Дарахти ар-ар,
Туи бесамар.
Чаро надорс,
Як меван тар?
Қадакат дароз,
Ҳасте сарфароз,
Сарат дар осмон,
Туи чу посбон.
Шоҳи дарахтон,
Туи ар-арзон.
Партаам аз ту,
Доскаам аз ту.
Дару тиреза,
Хонаам аз ту.
Тамоми инсон,
Аз туянд шодмон.

Оиша САИДОВА,
мактаби раками 29-и
ноҳияи Сарийосиё.



МАҚШАБИМ — СЕНИ МАҚШАҒИМ

Ойижоним юзимни,
Кўяди ювиб.
Кийинтиради опам,
Тез бўлақол, деб.
Бувим туфли чангини
Қоқди шошмай.
Синглим суйкалар менга
Эринчоқ Мошдай.
Бувам папкамини тутиб
Жилмайиб кўяр.
Аразлагандай дадам
Қовоғин уяр.
Ҳатто кўлимга нон ҳам
Узатишади.
Мени мактабга шундай
Кузатишади, —

деб ёзган эди иқтидорли шоир Уроз Ҳайдар. Уроз акангиз бу шеърни бежиз ёзмаган. Чунки мактабга ҳамма ҳам талпиниб бормайди. Аммо Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги 5-мактабнинг 7—«Д» синф ўқувчилари расм дарси буладиган кунни орзиқиб кутишади. Тезроқ дарс бошланса-ю, гузал ўқитувчилари Гулнора Сейтмерованинг руҳсорини куришса. Чунки Г. Миметовна табиатни севиш, одамларга меҳрли булиш кераклигини, жонивору ҳашоратларга ҳам замондош, юртдош, деб қараш лозимлигини ургатади.

Суратда: Расм дарсида.

Сураткаш: Х. Зулфиқоров.

ТУШУНТИРИБ БЕРИНГ

Бизга қорақалпоқ болаларидан тез-тез хатлар келиб туради. Чунки у ердаги газета мухлислари мактаб ҳаёти ҳақидаги янгиликлар билан барча тенгдошларини таништириб боришни уйлашади. Шундай хатлардан бирида

ёзилишича, Қорақалпоғистонда туғилган, Ўзбекистонда олий маълумот олган, Қозогистонда ёшлар орасида биринчи булиб (30 ёшида) Қозогистон ёшлари мукофоти совриндори булган Тулеган Айбергенов билан булган учра-

шув ҳақида, ижодкорнинг ижоди, камолоти тўғрисида хабар қилган Ойсулув деган қиз узининг Хужайли туманидаги Ломоносов номи мактаб ўқувчиси деб таништирибди. Биз Т. Айбергенов ижодига қизиқамиз. Унинг бола-

Луқма

ларга аталган асарларидан сизларга ҳавола қилишни режалаштирганмиз. Аммо бизни бир нарса ташвишга солди. Ёш мухбиримиз Ломоносов номи мактабда таҳсил олар экан... Қизиқ, ҳанузгача Ломоносов номи билан юрити-

ладиган мактаб бор экан-да. Бизга тушунтириб беринг, азиз устозлар. Миллий қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда мактаб учун, мактаб атрофидаги маҳалла аҳолиси учун хизматлари сингган инсонни улуғлаб, унинг номини илм масканига берсак булмайдами? Хатингизни кутамиз.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙҮЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ.
Бунортма — Г-8709.
7691 нускада босилди.
Қағоз бичими — А-3.
Босишта тотирилди вақти 19.00
Тонжирилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Непер кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 33-44-25